

ISSN  
2181-2128

2021  
II SON



**"ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ"**  
илмий электрон журнали

**"ЛОГИСТИКА И ЭКОНОМИКА"**  
научно-электронный журнал

**"LOGISTICS AND ECONOMY"**  
scientific-electronic journal

[www.economyjournal.uz](http://www.economyjournal.uz)

Электрон журнал Олий Аттестация комиссиясининг миллий илмий нашрлари рўйхатига киритилган.



## ТАҲРИРИЯТ КЕНГАШИ

### ***Таҳририят Кенгаши раиси***

**Муҳиддин Бахритдинович Калонов**

иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

### ***Таҳририят Кенгаши раиси ўринбосари***

**Комил Раббимович Хотамов**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

### ***Бош муҳаррир***

**Фаҳриддин Икромович Исаев**

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

### **Таҳририят Кенгаши аъзолари:**

**и.ф.д., акад.** Каландар Ходжаевич Абдурахманов

**и.ф.д., проф.** Абдуқодир Ҳамидович Тошқулов

**т.ф.д., проф.** Кунгратбай Авазимбетович Шарипов

**и.ф.д., проф.** Одил Қаландарович Абдурахманов

**и.ф.д., доц.** Мансур Пўлатович Эшов

**и.ф.д., проф.** Гулнора Каландаровна Абдурахманова

**и.ф.д., проф.** Мамаюнус Қаршибоевич Пардаев

**и.ф.д., проф.** Нодир Хосиятович Жумаев

**и.ф.д., проф.** Тулқин Хайитмуродович Фарманов

**и.ф.д., проф.** Алишер Жўраевич Тўйчиев

**и.ф.д., проф.** Адхам Азизович Фаттахов

**и.ф.д., проф.** Садридин Каримович Худойқулов

**и.ф.д., проф.** Султонали Умаралиевич Мехмонов

**и.ф.д., проф.** Шойзоқ Рахматович Холмўминов

**т.ф.д., проф.** Алимжон Ахмаджонович Рискулов

**и.ф.ф.д.,(PhD)** Kliment Lazarashvili (АҚШ, Жоржиа ХУ)

**и.ф.д., проф.** Hermann Sterzinger (Германия, Мюьнхен ТУ )

**и.ф.д., проф.** Masato Hiwatari (Япония, Токио ХУ)

**и.ф.д., проф.** Михаил Исакович Кутер (Россия Федерацияси, Кубан ГУ)

**и.ф.д., проф.** Sung Dong Ki (Корея, Сеул МУ)



**и.ф.д., проф.** Татаьяна Борисовна Леберьт (Россия Федерацияси, Урал ГНТУ)  
**и.ф.д., проф.** Зият Ниязович Қурбанов  
**и.ф.д., проф.** Шахноза Жасуровна Эргашходжаева  
**и.ф.д., проф.** Акром Абдиевич Хошимов  
**и.ф.д., проф.** Расул Олимович Холбеков  
**и.ф.д., проф.** Ақтам Усманович Бурханов  
**и.ф.д., проф.** Баходир Акрамович Хасанов  
**и.ф.д., проф.** Каримжон Бакиджанович Ахмеджанов  
**и.ф.д., проф.** Неъматулла Фатхуллаевич Каримов  
**и.ф.д., проф.** Олим Мамаюнусович Пардаев  
**и.ф.д., доц.** Бегматжон Юлдашалиевич Мақсудов  
**и.ф.д., доц.** Нурбек Кадиорович Ризаев  
**и.ф.д., доц.** Жаҳонгир Жалолдинович Урмонов  
**и.ф.д., доц.** Исламбек Машарипович Ниязметов  
**и.ф.д., доц.** Нодира Баходировна Абдусаломова  
**и.ф.н., проф.** Шахло Тургуновна Эргашева  
**и.ф.н., доц.** Норбута Эшназарович Бабахалов  
**и.ф.ф.д (PhD), доц.** Мунис Қурбонович Абдуллаев  
**и.ф.ф.д., проф.** Одилжон Собирович Абдураззаков (Германия, Кёльн БМ)  
**и.ф.ф.д (PhD).** Бобир Ортиқмирзаевич Турсунов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Мақсуд Сувонқулович Рустамов  
**и.ф.ф.д (PhD).** Илҳом Ғиёзович Кенжаев  
**т.ф.ф.д (PhD).** Ботир Инатович Абдуллаев

#### **Масъул муҳаррир**

**и.ф.д., доц.** Гулнора Мардиевна Шадиева

**Веб-администратор** А.Маматов

# "ЛОГИСТИКА ВА ИҚТИСОДИЁТ" илмий электрон журнали

2021 ЙИЛ  
2 СОН

## МУНДАРИЖА:

<b>Aminova N.U.</b>	<i>Innovatsion qurilish materiallari ishlab chiqarishni moliyalashtirishni takomillashtirish yo'llari</i>	<b>7</b>
<b>Mamatov B.S. Ro'zimboeva G.M.</b>	<i>O'zbekistonda investitsiya muhiti jozibadorligi va uni baholash</i>	<b>15</b>
<b>Nomonova Yu.S.</b>	<i>Prospects for the development of corporate governance in commercial banks</i>	<b>23</b>
<b>Nosirov E.I. Dusmuhamedova M.D.</b>	<i>Investitsiya loyihalarini moliyalahtirish manbalarining asosiy xususiyatlari</i>	<b>29</b>
<b>Xomitov K.Z. Ismatova N.T.</b>	<i>Hududlarning investitsion jozibadorligi oshirish: muammolar va yechimlar</i>	<b>37</b>
<b>Абдиева Н.Ш.</b>	<i>Внутренний аудит как механизм предотвращения мошенничества</i>	<b>44</b>
<b>Абдувохидова Н.К.</b>	<i>Аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга жалб этишни рағбатлантириш</i>	<b>50</b>
<b>Абдуллаев И.С. Сапаева Н.К.</b>	<i>Минтақа иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва барқарорлиги таҳлили</i>	<b>56</b>
<b>Абдуназаров Ш.А.</b>	<i>Жисмоний шахсларни кредитлашдаги айрим муаммолар ва уларнинг ечимлари</i>	<b>66</b>
<b>Абдураззаков О. Балаев Р.</b>	<i>Технология трансфер тизимларининг иқтисодий моҳияти</i>	<b>72</b>
<b>Абдурахимов Б.А.</b>	<i>Тиббиёт муассасаларида даромад ва харажатлар ҳисобинининг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш</i>	<b>79</b>
<b>Абдурахмонов И.Х.</b>	<i>Суғурта бозорини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий моделлари</i>	<b>84</b>
<b>Абдурахманова Г.Қ. Оқмуллаев Р.Р.</b>	<i>Истеъдодлар билан ишлаш - инсон ресурсларини бошқаришнинг янги тренди</i>	<b>92</b>
<b>Атажанов М.К.</b>	<i>Шаҳар жамоат транспорти таркибида велотранспорт инфратузилмасини ривожлантиришнинг хориж тажрибалари</i>	<b>99</b>
<b>Атаниязов Ж.Х. Восиқов А.Р.</b>	<i>Чет эл инвестицияларини жалб қилишда кичик саноат зоналарининг аҳамияти</i>	<b>106</b>
<b>Атаниязов Ж.Х. Маннонов Н.Н.</b>	<i>Глобаллашув шароитида халқаро валюта бозорининг ривожланиш тенденциялари</i>	<b>112</b>
<b>Ахмедова Х.О.</b>	<i>Банк муассасаларида самарали комплаенсни бошқариш тизимини шакллантириш масалалари</i>	<b>122</b>
<b>Бабаева Н.М.</b>	<i>Суғурта компанияси молиявий барқарорлигини таъминлашда суғурта портфелининг ўрни</i>	<b>128</b>

<b>Бекназаров З.Э.</b>	<i>Ижтимоий суғурта: асосий кўрсаткичлари таҳлили</i>	<b>136</b>
<b>Бердияров Б.Т. Равшанов М.Р.</b>	<i>Пандемия даврида тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш</i>	<b>145</b>
<b>Гиясов С.А.</b>	<i>Солиқ имтиёзларини баҳолашнинг илмий-назарий ёндашувлари</i>	<b>155</b>
<b>Дехканова Н.С.</b>	<i>Озиқ-овқат саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолашга услубий ёндашувлар</i>	<b>164</b>
<b>Додиев Ф.Ў. Хамраев Э.З.</b>	<i>Давлат улуши иштирокидаги банкларни самарадорлик даражаси таҳлили</i>	<b>172</b>
<b>Жумаева С.Х. Тўраев Д.С.</b>	<i>Миллий иқтисодиёт ривожига тўлов баланснинг роли ва уни тартибга солиш зарурияти</i>	<b>179</b>
<b>Жуманиязов И.Б.</b>	<i>Бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий масалалари</i>	<b>184</b>
<b>Жўраев Б.Ю.</b>	<i>Ўзбекистонда ислом молиясини муқобил молия сифатида ташкил этиш зарурлиги ва унинг ҳуқуқий муаммолари</i>	<b>191</b>
<b>Зуннунова Х.М.</b>	<i>Тижорат банкларини хусусийлаштириш жараёнида даромадлар ёндошувида баҳолаш</i>	<b>197</b>
<b>Йўлдашова Г.</b>	<i>Рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувни ривожлантириш истиқболлари</i>	<b>210</b>
<b>Ибрагимова А.И.</b>	<i>Банк хизматлари рақамлашувининг концептуал жиҳатлари</i>	<b>217</b>
<b>Имамова Н.М.</b>	<i>Экспорт корхоналарида валюта операциялари ҳисобини юритишни такомиллаштириш</i>	<b>223</b>
<b>Искандаров Ж.Б.</b>	<i>Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ потенциалини баҳолаш масалалари</i>	<b>229</b>
<b>Каландаров А.Б.</b>	<i>Тижорат банкларидаги кредит қарздорлиги сифатининг пасайиши омиллари ва уни бошқаришдаги қийинчиликлар</i>	<b>236</b>
<b>Каримов Н.Г. Хамидова Ф.А.</b>	<i>Барқарор ривожланиш шароитида минтақанинг молиявий-инвестицион салоҳияти</i>	<b>243</b>
<b>Каримова Ф.Т.</b>	<i>Организация и эффективность внутреннего контроля в кредитных организациях</i>	<b>252</b>
<b>Кулимова Х.М.</b>	<i>Экспорт - импорт операцияларида солиқ назоратининг ўрни ва аҳамияти</i>	<b>256</b>
<b>Қурбонов С.П.</b>	<i>Унумли ва маҳсулдор бандликни рағбатлантириш асосида камбағалликни қисқартириш</i>	<b>261</b>
<b>Маматқулов М.Ш.</b>	<i>Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобининг концептуал асослари</i>	<b>274</b>
<b>Муродова Д.Ч. Жумаев М.М.</b>	<i>Коронавирус пандемияси натижасида вужудга келадиган глобал инқироз ҳолатларининг ўзбекистон озиқ-овқат саноатига таъсири ва бартараф этиш йўлида банк-молия тизимининг ўрни</i>	<b>282</b>
<b>Муродхўжаева Ф.</b>	<i>Минтақа ривожланишини таъминлашда корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш масалалари</i>	<b>289</b>
<b>Мухсинов Н.Т.</b>	<i>Криптовалюталарнинг рақамли иқтисодиётни инновацион воситаси сифатидаги ўрни</i>	<b>295</b>
<b>Назаров А.К.</b>	<i>Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида кўчмас мулкни солиққа тортишдаги муаммолар</i>	<b>302</b>
<b>Ниёзов А.О.</b>	<i>Солиқларни оптималлаштириш асосида солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш</i>	<b>310</b>

<b>Нишонов А.С.</b>	<i>Инвестицион муҳитни баҳолаш масалалари</i>	<b>316</b>
<b>Ниязметов И.М.</b>		
<b>Сафаров У.А.</b>	<i>Қўшилган қиймат солиғи механизмини такомиллаштириш</i>	<b>322</b>
<b>Раджапов Х.Ж.</b>		
<b>Ниязметов И.М.</b>		
<b>Гиясов С.А.</b>	<i>Ўзбекистонда инвестицион солиқ кредитини жорий қилиш имкониятлари</i>	<b>336</b>
<b>Рахмонов А.</b>		
<b>Нормурзаев У.Х.</b>	<i>Иқтисодий тармоқлари ўсишини тиклаш ва иқтисодиёт тармоқларига берилаётган солиқ имтиёзларининг таҳлили</i>	<b>357</b>
<b>Обидов М.Қ.</b>	<i>Ўзбекистонда валюта бозорини либераллаштириш йўллари</i>	<b>370</b>
<b>Раимжанова М.А.</b>		
<b>Байджанова С.Р.</b>	<i>Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари</i>	<b>374</b>
<b>Рахимов Қ.Ф.</b>	<i>Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида масофавий банк хизматларини ривожлантириш йўллари</i>	<b>381</b>
<b>Сагатов Ф.Б.</b>		
<b>Ахмедова Х.О.</b>	<i>Тижорат банкларида комплаенс назоратни ташкил этиш масалалари</i>	<b>389</b>
<b>Саттаров Ш.Х.</b>	<i>Хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда прогноз кўрсаткичларидан фойдаланиш</i>	<b>394</b>
<b>Сидиков Ш.И.</b>	<i>Ўзбекистон банк капиталининг банк тизими барқорлигини таъминлашдаги ўрни</i>	<b>401</b>
<b>Табаев А.З.</b>	<i>Агрокимё хизматларни кўрсатишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш</i>	<b>410</b>
<b>Тилаволдиев Н.Х.</b>	<i>Институционал инвесторлар фаолиятини ривожлантиришга доир назарий қарашлар ва ёндашувлар</i>	<b>419</b>
<b>Тўлаков У.Т.</b>	<i>Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни такомиллаштириш</i>	<b>425</b>
<b>Ташходжаев М.М.</b>	<i>Ўзбекистон олий таълим муассасаларида талабаларга стипендия ва профессор-ўқитувчиларга иш ҳақи тўлашнинг молиявий менежментга таъсири</i>	<b>435</b>
<b>Холбоев А.Ю.</b>	<i>Страхование информационных рисков: понятие и основные аспекты</i>	<b>442</b>
<b>Худойкулов М.Р.</b>	<i>Корпоратив бошқарув миллий иқтисодиёт ривожланиши омили сифатида</i>	<b>451</b>
<b>Худойқулов Х.Х.</b>	<i>Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларини хусусий капитал қиймати баҳолашдаги кўрсаткичларнинг хусусиятлари</i>	<b>455</b>
<b>Ҳамраева Ф.Ш.</b>	<i>Мажбурий суғуртани ривожлантириш истиқболлари</i>	<b>463</b>
<b>Шарипов Б.М.</b>	<i>Тижорат банкларида ликвидлилик riskини бошқаришни такомиллаштириш</i>	<b>471</b>
<b>Шеннаев Х.М.</b>	<i>Ўзбекистонда суғурта фаолиятини халқаро стандарт ва меъёрларга мувофиқ такомиллаштириш</i>	<b>477</b>
<b>Шермухамедов А.А.</b>		
<b>Жураев М.Н.</b>	<i>Турли юк кўтарувчанликдаги автотранспорт воситаларини маршрутларга самарали тақсимлаш масаласинининг комбинаторик усулини асосланиши</i>	<b>486</b>
<b>Тоғаев Ж.Х.</b>		
<b>Ширинова Ш.С.</b>	<i>Анализ рынка криптовалют с точки зрения открытых инноваций</i>	<b>495</b>
<b>Шомиров А.А.</b>	<i>Инфляция таргетлаш режими шароитида инфляция кутималарнинг аҳамияти</i>	<b>507</b>
<b>Эрназаров К.Ю.</b>	<i>Бюджетдан молиялаштириш усуллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари</i>	<b>514</b>



## УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

*и.ф.н., доц. Маматқулов М.Ш.*

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада уй-жойларга коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг назарий-услубий жиҳатлари, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш хўжалигида бошқарув ҳисобининг макро ва микро даражадаги вазифалари каби масалалар, иқтисодчи олимларнинг соҳага оид изланишлари таҳлили, муаллифлик қарашлар ва коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобининг концептуал асослари ёритилган.

**Калит сўзлар:** бошқарув ҳисобининг назарий-услубий жиҳатлари, бошқарув ҳисоби концептуал асослари, макро ва микро даражадаги вазифалар, бошқарув ҳисобида ахборот оқимларининг ҳаракати.

## CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF MANAGEMENT ACCOUNTING IN THE SYSTEM OF HOUSING AND COMMUNAL SERVICES

*candidate of economic sciences, associate Professor Mamatqulov M.Sh.*

*Tashkent institute of irrigation and agricultural mechanization engineers*

**Abstract:** the article highlights the theoretical and methodological aspects of the organization of management accounting in the system of housing utilities, macro and micro-level issues of macro and micro-level management accounting tasks in the housing and communal services economy, analysis of research by economists in the industry, author's views and conceptual foundations accounting in the public service system.

**Keywords:** theoretical and methodological aspects of management accounting, conceptual foundations of management accounting, macro and micro level tasks, movement of information flows in management accounting.

### 1. Кириш.

Ўзбекистон иқтисодиёти рақамли иқтисодиётга ўтказиш даврида аҳоли фаровонлигини ошириш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, мамалкатда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-иқтисодий ва молиявий хўжалик фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда уларда замонавий бошқарув тизимларини жорий этган ҳолда самарали ва истиқболли чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш масалалари ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Хусусан, уй-жой коммунал хизмат кўрсатувчи корхоналарда бошқарув тизимини тубдан ислоҳ этиш, аҳолига юксак коммунал хизматларни тақдим этиш ва истеъмолчилар ўртасида истеъмол маданиятини юксалтириш каби муаммоларни ечимларига қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ этиш бутун мамлакат иқтисодиёти бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим қисми ҳисобланиб, ушбу масаланинг долзарблиги унинг ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади. Шунинг учун, бугунги кунда кўп квартирали уйларга коммунал хизматлар кўрсатиш бозорини ривожланиши тармоқ корхоналарида бошқарув ҳисобини самарали юритиш масалаларини биринчи поғонага олиб чиқди.

Келтириб ўтилган муаммолар уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш тизимида ҳисоб жараёнининг усуллари ва услубиётини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради. Ислохотларнинг жадаллашуви

тармоқ ўзини ўзи молиялаштириши ва харажатларини қоплай олиши даражаларини аниқлаш тармоқ корхоналарида бошқарув ҳисобини оптимал юритишга хўжалик юритиш жараёнларида самарали бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга нисбатан янги ёндошувлар асосида олиб бориш кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифатини ортишига хизмат қилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятида бошқарув ҳисобини замонавий усулларини кенг қўламда қўллаш етарлича бўлмаганлиги ўз навбатида коммунал соҳада бошқарув ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун ишлаб чиқилган назарий ва методологик база шакллантирилмаганлиги билан изоҳланади ва уй-жой коммунал хизматлар кўрсатишга ихтисослашган ташкилотларда ушбу масалалар ҳанузгача ҳал этилмаган.

## **2. Адабиётлар шарҳи.**

Ўзбекистон Республикасида 2000 йиллардан бошлаб бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари нормаларидан келиб чиққан ҳолда бухгалтерия ҳисобининг концептуал асослари ишлаб чиқиладиган бошланган. Умуман олганда, иқтисодий адабиётларда хорижий давлатларда ташқи бошқарувчилик ахборотини унификациялаш назарияси ва амалиётини ўрганиш ва тасвирлашга сезиларли даражада эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720 сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-сентябрдаги сонли "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3946 Қарорларида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш шарт-шароитлари бўйича чора-тадбирлар белгилаб берилган бўлиб, уларга кўра, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га ўтишни бевосита аудиторлик фаолиятини ҳам аудитнинг халқаро стандартлари (АХС)га ўтказиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилган.

Молиявий ҳисобда халқаро стандартларни қўллаш зарурияти бир нечта шартлар туфайли келиб чиқади. Биринчидан, ҳисоботни халқаро стандартларга мос равишда шакллантириш халқаро капиталга шерик бўлишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Иккинчидан, МҲХС доирасида ташкилот томонидан ҳисоб маълумотларини очиқ бериш учун маълум методик ёндошув танлаш вақтида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдали ахборотни шакллантиришга имкон берувчи ёндошув танланиши керак. Учунчидан, МҲХСни қўллаш миллий ҳисоб тизимларини такомиллаштириш учун зарур бўлувчи вақт ва ресурсларни сезиларли даражада қисқартиришга имкон яратади, чунки халқаро стандартлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот шакллантиришнинг кўп йиллик тажрибаларини мужассам этган. Тўртинчидан, МҲХСни қўллаш миллий ҳисоб тизимлари доирасини сезиларли даражада кенгайтиради, чунки халқаро стандартларга мос равишда шакллантирилган ҳисобот чет эллик ишбилармон доиралар вакилларига тушунарли бўлади.

Молиявий ҳисобнинг миллий тизимини бозор иқтисодиёти талаблари ва халқаро стандартларга мослаш мақсадида ҳозирги вақтда бухгалтерия ҳисобини қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда: норматив ҳуқуқий мувофиқлаштиришни такомиллаштириш, бухгалтерлик касбини янгидан шакллантириш, шунингдек мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сонли Қарорида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш белгилаб берилди.

Умуман олганда, мамлакатимизда фаолият юритувчи хўжалик субъектларнинг бухгалтерия ҳисобини унификациялаш бугунги кун долзарб мавзуларидан ҳисоблансада, назарий жиҳатдан барча тармоқларни хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам яна бир долзарб масала ҳисобланади.



Шунинг учун, тармоқ стандартларини ислоҳ қилиш ёки бухгалтерия ҳисобини тармоқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир, лекин бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича чиқарилган ва чиқарилаётган Ҳукуматнинг қонун ва қонун ости меъёрий ҳужжатлари барча хўжалик субъектлари учун республикамизда бир ҳил тартибда амал қилади.

XX асрнинг иккинчи ярмида ғарб мамлакатларида бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларга бўлиниб кетиши жараёни кузатилди, натижада ҳисобнинг мазкур икки тури қатор фарқларга эга бўлиб, аммо ҳамкорликда ҳаракатланаётган мустақил йўналиш сифатида расмийлаштирилди. Молиявий ва бошқарув ҳисобларининг биргаликда қўлланилиши муаммолари қатор илмий манбаларда ўрганиб чиқилган.

Инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда бошқарув ҳисобини биринчидан, мустақил фан сифатида қабул қилиш ва иккинчидан, унинг молиявий ҳисоб билан фарқларига эътибор қаратиш талаб этилган. Уларнинг ўртасида ҳисоб юритишнинг мақсад ва вазифаларида, кириш ва чиқиш ахборотларининг шакл ва кўрсаткичларида фарқлар кузатилади.

Шнейдман (2000) "Россияда янги счётлар режасининг киритилиши молиявий ва бошқарув ҳисобларини ажратиш учун илк қадамлардан бири эди" - деб эътироф этган.

Ўзбекистонда 2000 йилгача бухгалтерия ҳисоби молиявий ва ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобига ажратилар эди, собиқ Совет иттифоқи даврида қўлланилган счётлар режасидан кенг фойдаланилган янги счётлар режасининг ишлаб чиқилиши ва Ўзбекистонда фаолият юритувчи барча хўжалик юритувчи субъектлар 2005 йил 1 январга қадар конверсиядан ўтказилиши назарда тутилиши, умумий бухгалтерия ҳисобини, хусусан молиявий ҳисоб тизими бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига яқинлаштирилишига эришилди ҳамда киритилаётган янги счётларни ҳар икки тизимида қўллаш имконияти пайдо бўлди. Айрим счётларнинг кодлари очиқ қолдирилган ва улардан унсурлар бўйича ҳаражатлар ҳисобини ташкил этишда фойдаланиш мумкин ва молиявий ва ишлаб чиқариш бухгалтерия алоқалари учун акс эттирувчи счётлар жорий қилинди. Ушбу янгиликлар бошқарув ҳисобининг ишлаб чиқариш ва айланма ортиқча ҳаражатларига эътибор қаратишини таъминлайди, шунингдек ишлаб чиқариш ҳаражатлари, айрим турдаги маҳсулотларнинг рентабеллиги, уларнинг рақобатбардошлиги каби тижорат сирларини сақлаш шароитларини яратади.

Иқтисодий адабиётларда "бошқарув ҳисоби" атамаси турлича талқин қилинади. Масалан, Хорнгреннинг (2000) фикрича "Бошқарув ҳисоби – бу қандайдир объектларни бошқариш учун зарур бўлувчи ахборотни идентификациялаш, ўлчаш, тўплаш, тизимлаштириш, таҳлил этиш, ажратиш, инпретациялаш (шархлаш) ва етказишдир. Унинг синоними "ички ҳисоб"дир.

Кондратова (1999) бошқарув ҳисобига қуйидагича таъриф берган, "Бошқарув ҳисоби – бу корхонанинг раҳбарларига, мутахассисларига бошқарув қарорларини қабул қилиш, ишлаб чиқаришнинг ўзгариб бораётган шароитларига тезкор муносабат билдириш учун зарур бўлувчи ҳисоб. Унинг материаллари тижорат сиридан ташкил топиши мумкин".

Карпова (1998) "Бошқарув ҳисоби режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш мақсадларида ахборот йиғиш ва унга ишлов беришни таъминлайди" - деб ҳисоблайди.

Друри (2000) эса, бошқарув ҳисобига "...корхонани бошқариш характеридаги, яъни чора-тадбирларни қўллаш, режалаштириш, назорат ва тартибига солиш фаолиятларни амалга ошириш учун зарурий бўлган маълумотларни тайёрлаш демакдир" - деб таъриф бериб ўтган.

Абдуғаниевнинг (2003) эътироф этишича, "Бошқарув ҳисоби – корхонанинг ички бошқарувчиларига давр талабларини эътиборга олган ҳолда уни самарали бошқаришда, режалаштиришида, таҳлил ва назорат этишида ҳамда зарурий чора-тадбирларни белгилашида, уларни корхона фаолиятида қўллашида зарур бўлган аниқ ҳисоб маълумотларини тезкор ҳолда етказиб берувчи тизимдир".

Хасанов (2003) "Бошқарув ҳисоби - бу ички хўжалик ҳисобининг ўтган, ҳозирги ва келгуси давр нуқтаи назаридан корхона ва унинг тузилмавий бўлинмалари ҳаражатлари ва молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотни яхлит ҳолга келтирилган тақдимидир", - деб таъриф берган.

Бизнинг фикримизча, бошқарув ҳисоби дейилганда корхонанинг таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларини бошқаришда оптимал бошқарув

қарорларини чиқариш учун зарур бўлган ахборотлар тизимини яратиш ва уларни самарали бошқариш мақсадида юритиладиган ҳисобдир.

### **3. Тадқиқот методологияси.**

Мақолани тайёрлашда бошқарув ҳисобининг концептуал асослари, коммунал хизмат кўрсатиш тизимида бошқарув ҳисобини назарий жиҳатдан аҳамияти, коммунал хизмат кўрсатишда бошқарув ҳисобининг вазифалари илмий жиҳатдан ўрганилган. Тадқиқотни амалга оширишда солиштирма, монографик ва тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

### **4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Корхона менежерлари бошқарув қарорларини қабул қилишида ҳар қандай ахборотни тизимлаштириши ва таҳлил қилиши зарур, улар бошқарув ахборотларини тўлиқлиги, ишончлилиги ва тезкорлигига эътиборларини қаратишлари ва шу орқали бошқарув ҳисобини самарали ташкил этишлари лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, адабиётларда бошқарув ҳисобининг вазифаларини талқин қилишда турлича фикрлар мавжуд. Масалан, Нарбонн (2000) ўзининг "Бошқарув ҳисоби" рисоласида бошқарув ҳисоби олдида қуйидаги вазифалар устувор эканлиги қайд этилган:

1) ташқи ва ички ахборот ҳисоби ва таҳлили;

2) муаммони комплекс ёритиш мақсадида ҳар бир тайёр маҳсулот бўйича натижаларни мижозлар, сотиш жойлари ва бошқа маркетинг белгилар бўйича ҳисоб-китоб қилиш орқали аниқлаш;

3) ахборотга автоматлашган ишлов бериш воситаларидан оптимал даражада фойдаланиш.

Таъкидлаш жоизки, ҳисоб бирдан-бир, ягона мақсад эмас. У бизнесда муваффақиятга эришиш воситаси бўлиб хизмат қилиши зарур, шунинг учун уни ташкил этиш ва қўлланилаётган методларнинг самарадорлигини уларнинг корхона фаолиятига бўлган таъсиридан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Барча зарурий шароитларнинг мавжуд бўлишида бошқарув маданиятининг юқори бўлиши пухта ишланган, барқарор бошқарув технологиялар шунингдек, бошқарув функцияларини амалга оширишга имкон берувчи аниқ шакллантирилган мақсадлар ҳам бўлиши зарур.

Бошқарув ҳисоби корхоналар раҳбарларига тезкор, тактик ва стратегик қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларни тизимлаштириш, унга ишлов бериш ва умумлаштириш учун хизмат қилади. Бироқ, XX аср охирида молиявий ҳисоб бу ўтган воқеликларни акс эттириши, бошқарув ҳисоби эса, келажак ҳисоб-китобини қилинган ва мўлжалланган қабилдаги нуқтаи-назар кенг тарқалгани сир эмас.

Ваҳоланки, молиявий ҳисобда келажакни прогнозлашга имкон берувчи кўплаб усуллар анчадан буён қўлланиб келинмоқда. Узоқ муддатли активларнинг фойдали қўлланилиш муддатини ўрнатишда амортизация усулини танлашни қайд қилиш мумкин. Демак, бухгалтер молиявий ҳисобда ўз мустақил фикрини шакллантириши учун бошқарув ҳисобидаги маълумотларга таяниши ва келажакни прогнозлаши лозим. Яна шу нарса эътиборлики, аксарият ҳолларда молиявий ҳисоб ташқи фойдаланувчиларга, бошқарув ҳисоби эса, ички фойдаланувчиларга мўлжалланган деб ҳисоблаш одат тусига айланган.

Бироқ, сўнгги йилларда ташқи фойдаланувчилар борган сари кўпроқ бошқарув ҳисоби соҳасига тегишли бўлган ахборотга қизиқаётганликларини кўрсатяпти. Бу ҳолат уй-жой коммунал хўжалигини қайта ислоҳ қилишнинг ҳозирги кун босқичида ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

Уй-жой коммунал хўжалигида молиявий ҳисобнинг мақсади – бу корхонанинг молиявий ҳолати ва унинг суръатини белгилаш орқали ҳар бир корхонанинг ва умумий бутун уй-жой коммунал хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини оширишдан иборат. Шуни қайд қилиш керакки, сўнгги йилларда уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқарув ҳисобини қўллаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Уй-жой коммунал хўжалигининг ягона ҳисоб маркази нуқтаи-назаридан бошқарув ҳисобининг мақсади - алоҳида корхоналар раҳбарлари (микро даража) ҳам, умуман уй-жой коммунал хўжалиги раҳбарларини (макро даража) ҳам зарур ахборот таъминотини

етказиб беришдир. Қуйидаги жадвалда уй-жой коммунал хўжалигининг тизимида тавсия этилаётган бошқарув ҳисобининг вазифалари келтирилган. (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш хўжалигида бошқарув ҳисобининг макро ва микро даражадаги вазифалари**

<b>Бошқарув ҳисобининг ахбороти</b>	
<b>Макро-даража</b>	<b>Микро-даража</b>
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини молиялаштириш	Оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш асосида моддий ресурсларни самарали бошқариш
Коммунал хизмат кўрсатиш тизимини меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва давлат дастурлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш	Янги уй-жойларни барпо этиш, жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда уларга сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш
Коммунал хизмат кўрсатиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва киритилган инвестицияларни назорат қилиш	Кўп квартирли уйларни технологик аудит қилиш ва жойларнинг мулкдорлари истеъмол маданиятини ошириш
Кўп квартиралар уйларни бошқариш тизимини самарали бошқарув тизимига ўтказилишида ва мақсадларни аниқлашда комплекс бошқарув ҳисоби маълумотларига таянган ҳолда ташкил этилишини мониторинг қилиш	Кўп квартиралар уйларга хизмат кўрсатувчиларнинг мавжуд заҳиралари қийматини баҳолаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш оперативлиги ҳамда сифатини ошириш
Коммунал тизимни тарифлар билан бошқариш чора-тадбирларини амалга оширишда ва бу борада самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тузилмавий бўлинмалар ишини кундалик назорат қилишни амалга ошириш
Кўп квартиралар уй-жойларни ўз-ўзини бошқариш, уй-жой мулкдорлари ва бошқарувчи ташкилот томонидан бошқаришни ташкил этиш	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ишчи ва ходимларининг моддий таъминоти, меҳнат унумдорлигини ошириш, сарфланадиган харажатларни пасайтириш
Янги замонавий уй-жойларни қуриш ва мавжудлари ҳолатини сақлаб қолиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши	Тизимдаги тузилмавий бўлинмалар томонидан харажатларни амалга оширишда тежамкорликка амал қилиш, эҳтиётлаш, камомад ва йўқотишларни қисқартириш, уларга йўл қўймаслик

Уй-жой коммунал хўжалиги тизимида бошқарув ҳисобини ажратиш кўрсатишнинг аҳамияти шундаки, бунда тармоқни ислоҳ қилиш жараёнида унинг раҳбарлари олдида нафақат корхонанинг фаолиятини назорат қилиш, балки уй-жойларни ягона иқтисодий комплексида уй-жой коммунал хўжаликлари ривожланиши режасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилади.

Бунда уй-жой коммунал хўжаликлари таркибига ўз кўлами, аҳамияти бўйича турли корхоналар ҳам киради ва улар ўртасидаги алоқаларда тезкор ички алмашинув кузатилади ҳамда иқтисодий фаолиятнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан барча корхоналар фаолиятининг координациясига боғлиқдир.

Бошқарув ҳисоби ўз олдидаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда, раҳбарларга тармоқни қайта ислоҳ қилиш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиш ва чора-тадбирларни баҳолашга ва шунингдек уй-жой коммунал хизматлар сифати ҳамда корхоналар харажатларини назорат қилишни таъминлашга қаратилган ахборотларни тақдим этади.

Уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг макродаражасида бошқарув ҳисоби ишлаб чиқариш ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш, тарифларни кўрсатиб ўтилган дастурлари, аҳолига кўрсатилаётган уй-жой коммунал хизматлар сифатини тутиб туришни таъминловчи назоратнинг молиявий таъминоти сифатида шакллантириш ва тасдиқлаш учун ахборотни пайдо қилиш орқали уй-жой коммунал хўжаликлари корхоналарини самарали бошқарилишини таъминлайди.

## 5. Хулоса ва таклифлар.

Бошқарув ҳисоби муаммоларига бағишланган ҳар бир илмий ишда унинг моҳиятли тавсифлари кўриб чиқилади ва улар асосида унинг тушунчаси шаклланади. Агар бошқарув ҳисобининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, объекти, методи, тамойиллари каби тавсифлари ўзаро одатдагидек фақатгина шаклланмаси ёки унсурларнинг миқдорий тўплами билан фарқланар экан, унда турли муаллифлар томонидан бериладиган бошқарув ҳисоби талқини сезиларли фарқларга эга бўлиб чиқади ва ушбу ҳолат бошқарув ҳисобини тадбиқ этиш бўйича қатор вазифалар ҳал этилишини мураккаблаштиради.

Ана шу маънода биз биринчи навбатда ушбу масала бўйича ўзимизнинг муаллифлик ёндашувимизни шакллантирдик.

Бозор муносабатларига ўтишда мулк тузилмасининг ўзгариши ва турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ, барча ташкилотлар турлича ташкилий тузилмага эга бўлишига қарамай мураккаб иқтисодий тизимдан иборат бўлиб, унинг фаолият олиб боришининг самарадорлиги хўжалик механизмнинг иқтисодий асосланганлигига боғлиқдир. Хўжалик фаолиятининг таркибий қисми сифатида реал рақобатбардошлик ва ташқи муҳит билан бирга фаолият юритишни таъминловчи корхонанинг бошқарув ҳисоби юзага келади.

Маълумки, бошқарув тизимини оптимал даражада тутиб турилиши ёки тегишли қарорларни ишлаб чиқиш ва амалага ошириш орқали уни бошқа ҳолатга ўтишини таъминловчи жараёнлар йиғиндисидан иборатдир. Бунда бошқарув фаолиятининг турли босқичлари амалга оширилишининг маълум мантиқий алоқаси муҳим ўрин тутди.

Биринчи навбатда бошқарув ўз объекти ва бутун тизим ҳолатининг режавий аҳамиятларини белгиловчи мақсадлар ва кўрсаткичлар ўрнатилиши шартлигини тақозо этади. Фаолиятнинг эришилган натижалари – бошқарув объектларининг ички ҳолатини, улар ўртасидаги ўзаро алоқани ва шунингдек уларнинг ташқи муҳит шароитларига мос келиши даражасини акс эттиради.

Бошқарув жараёнининг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи босқичларидан бири корхонанинг мақсадларини аниқлаш ҳисобланади ва ушбу ҳолат ташкилот фаолият юритиши қатор ички ва ташқи ишбилармонлик муҳитини аниқловчи омиллар ҳисобини юритиш зарурияти билан изоҳланади.

Иқтисодий асосланган мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади, чунки улар корхона фаолиятининг энг яқин ва узоқ муддатли истиқболнинг мўлжали бўлиб хизмат қилади ва бутун корхона ҳамда унинг тузилмавий бўлинмалари ишини баҳоловчи кўрсаткичлари тизимини қуриш учун асос ҳисобланади.

Бундан ташқари, шуни назарда тутиш керакки, ташкилот фаолиятининг мақсади абстракт эмас, балки кўзланган мақсад ташкилот фаолиятини рақобатчилар ўртасидаги ҳолати ва шунингдек алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг манфаатларини акс эттиради. Шу муносабатда мақсадларни шакллантириш чоғида эришиш даражаси тегишли ресурслар (моддий, меҳнат ва бошқа ресурслар)ни талаб этувчи мезон кўрсаткичлари ўрнатилади.

Кўпроқ даражада муҳим кўрсаткичлар қуйидагилардир ва улар жорий фаолиятга йўналтирилган бўлади: ташкилот фойдаси (даромади)нинг ўсиши, корхона моддий ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, бошқарув харажатларини пасайтириб беришдир. Стратегик йўналишларга қуйидагилар киритилади: инновациялар (янги бозорларни ўзлаштириш, янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш, янги технологияларни қўллаш ва ўзлаштириш), бозордаги рақобат бардошлиликни, яъни бозор улушининг ўсиши, унинг сақланиши ва обрўсини мустаҳкамлаш.

Кўрсатиб ўтилган йўналишлар бири-бирлари билан ўзаро боғланган бўлиб, амалга ошириш муддатлари ва бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга нисбатан методологик ёндашувда бўлади. Мақсадлар характери, ташқи ва ички муҳит ҳолатидан келиб чиқиб, кўрсаткичлар таркиби аниқланади, жумладан, шундай кўрсаткичлар қаторига маҳсулотнинг умумий рентабеллиги, сотиш рентабеллиги, инвестициялар рентабеллиги, маҳсулот таннархи, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш самарадорлиги, фонд қайтими, материал ҳажми ва бошқалар.


Ушбу кўрсаткичларни аниқлаш ва баҳолаш усуллари иқтисодий адабиётларда кенг ёритилган. Ушбу босқичда бошқарув ҳисобининг асосий вазифаси корхона фаолияти кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқликларни ўрнатиш ва улар ўртасидаги таъсир кучини аниқлашдан иборат бўлади.

Айнан ушбу омиллар ва уларнинг тавсифлари бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш объекти бўлиб ҳисобланади. Бунда асосий мураккабликлар шундаки, ҳар бир корхонанинг фаолияти индивидуал бўлади ва бу хусусият (ўзига хослик) (ишлаб чиқариш характери, чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси, ишлаб чиқариш салоҳиятидаги фарқлар, ишлаб чиқариш технологияси) мақсадаларга эришиш йўллари (муқобил қарорлар)ни аниқлашда, уларни сараланишида ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳаракатлар вариантларини танланишида эътиборга олинishi лозим бўлади. Мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш босқичида мақсад ва олинган натижалар нисбати ва шунингдек мақсаднинг бажарилмаслиги оқибатларига аниқлик киритилади. Кўзланган мақсадга эришмаслик сабаблари кўп ва турлича бўлиши мумкин.

Улар корхонанинг фаолиятидаги салбий оқибатлар натижаси бўлиши мумкин, жумладан, асосий фондлардан самарасиз фойдаланиш, бошқарувдаги камчиликлар ва хоказо. Бундан ташқари, мақсаддан келиб чиқиб белгиланган вазифаларни бажармаслик, ташқи муҳитнинг ўзгариши, хусусан бозорда рақобатнинг кескинлашуви, солиқ қонунчилигининг ўзгариши, иқтисодий нобарқарорлик ва бошқалар.

Бошқарувнинг ушбу босқичида ташкилотнинг бизнес режаларини бажаришдаги асосий масала ҳал этилади, мақсад ва вазифаларни белгилашда турли муқобил вариантларининг натижалари ўртасидаги узилиш кўлами аниқланади. Айнан шу узилиш корхонани бошқариш сифати, унда юз бераётган муаммоларнинг мураккаблик даражасини белгилайди.

Шундай шароитда бошқарув ҳисобини такомиллаштиришнинг асосий мақсад ва вазифалари бу - ахборотни бошқарувнинг барча жабҳаларида янгича билимлар тизимини яратишдан иборат, яъни корхонани самарали бошқариш мақсадида бошқарув ҳисобида ахборот оқимларини оптимал тақсимлашга эришиш зарур (1-расм)



**1-расм. Бошқарув ҳисобида ахборот оқимларининг ҳаракати**

Ахборотни шакллантириш, биринчидан, ташкилот бошқарув фаолиятининг аниқ босқичига мос бўлган маълумотлар ва уларнинг манбалари мажмуасини аниқлашни; иккинчидан, олинган маълумотларни қайта ишлаш ва уларни таҳлил қилиш натижалари асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек уларнинг бажарилиш даражасини назорат қилишда фойдаланишни назарда тутати.

Ташкилот бошқарув фаолиятининг барча босқичлари учун муҳим бўлган ахборот оқимлари бошқарув ҳисобини режалаштириш, бюджетлаштириш жараёнида шаклланади. Бироқ, бошқарув қарорларини қабул қилиш учун иқтисодий ахборотнинг кўламига кўра юқорида аҳамиятли бўлган маълумотлар бошқарув объектларининг эмпирик ҳолати ҳақидаги ҳар бир тузилмавий бўлинмалар ва ташкилот хизматлари фаолиятини режалаштириш, меъёрлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш учун зарур бўлувчи маълумотлар ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитларида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ички мақсади ва вазифалари учун зарур бўлган ахборот оқимлари ўзгариши шиддатли ўсиб боради. Натижада, корхона фаолиятини юритишида жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Хусусан, рақобат йўналишларини корхонанинг иқтисодий мустақиллигини

мустаҳкамловчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш йўналишларини жорий қилиш ва диверсификациялаш, шунингдек бошқарув характерида бўлган тижорат сири кабилар шулар жумласига киради.

Ушбу ҳаракатнинг самарали амалга ошиши энг аввало бухгалтерия, иқтисодий режалаштириш ва маркетинг бўлимларининг бошқа бўлимлар билан нечоғли ўзаро самарали ишлашига боғлиқ, бу эса корхонада бошқарув ҳисобининг такомиллаштирилганлик даражасига боғлиқдир.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Абдуғаниев А.А. (2003) Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлар. Монография. Т.: ТМИ, 26-б. / Abdug'aniev A.A. (2003) Problems of management account organization, their solutions. Monograph. Т.: ТМИ, 26 p.

Акрамов А.А. (2008) Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудит. Монограф. Т.: Иқтисод-Молия, 12 б. / Akramov A.A. (2008) Accounting and auditing in the corporate governance system. Monograph. Т.: Economics and Finance, 12 p

Ги Мотэ де Нарбонн (2000). Управленческий учет/Ги Мотэ де Нарбонн. / Guy Mautet de Narbonne (2000). Management accounting / Guy Maute de Narbonne.

Фармон (2015). Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4720 сон. / Decree (2015). No. PD-4720 of the President of the Republic of Kazakhstan dated April 24, 2015 "On measures to introduce modern corporate governance methods in joint stock companies."

Хасанов Б.А. (2003) Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Т.: Молия, 42 б. / Khasanov B.A. (2003) Management Accounting: Theory and Methodology. Т.: Finance, 42-p.

Хорнгрен Ч., Фостер Дж. (2000) Бухгалтерский учет: управленческий аспект. М.: Финансы и статистика, С. 8 / Horngren C., Foster J. (2000) Accounting: an administrative aspect. Moscow: Finance and Statistics, p. 8

Шнейдман Л.З. (2000) Рекомендации по переходу к паповый план счетов. М.: Бухгалтерский учет, С. 45 / Shneidman L.Z. (2000) Recommendations for the transition from the pope's chart of accounts. М.: Accounting, p. 45

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19-сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3946 сон. / Resolution (2019) No. PR-3946 of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 19, 2018 "On measures to further develop auditing in the Republic of Uzbekistan."

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4611-сон. / Resolution (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 24, 2020 No PR-4611 "On additional measures for the transition to international financial reporting standards."

